

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Абдурахмонов</b> Яшил рангнинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида) .....	79
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадиий хусусиятлари.....	83
<b>Д.Турдалиев</b> Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
<b>И.Ҳабибуллаев</b> Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Муҳиддинов</b> Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги .....	103
<b>Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева</b> Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
<b>З.Акбарова</b> Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
<b>Н.Шарафутдинова</b> Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
<b>Ў.Исламов</b> Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
<b>Л.Абдуллаева</b> Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов</b> Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
<b>У.Абдуллаева</b> Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Ў.Омонова</b> Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
<b>А.Раҳматжонзода</b> Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
<b>Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождидинов</b> Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
<b>А.Урунов, С.Элмонов</b> Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш .....	150
<b>Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров</b> Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
<b>М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова</b> ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
<b>С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов</b> Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 793.3

## ЎЗБЕК РАҚС ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАСНИФИ

## ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ УЗБЕКСКИХ ТАНЦЕВАЛЬНЫХ ТЕРМИНОВ

## LINGUOCULTUROLOGICAL CLASSIFICATION OF UZBEK DANCE TERMS

Р.Сайфуллаева<sup>1</sup>, Ҳ.Ҳамроева<sup>2</sup><sup>1</sup> Р.Сайфуллаева– Ўзбекистон Миллий университети профессори,  
филология фанлари доктори.<sup>2</sup> Ҳ.Ҳамроева– Ўзбекистон давлат хореография академияси  
катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.**Аннотация**

Мақолада ўзбек миллий рақс санъати терминологияси, унинг тузилиш тизими ва шаклланиш тарихининг лингвокультурологик жиҳатлари тадқиқ қилинди.

**Аннотация**

В статье исследована узбекская национальная танцевальная терминология, систематизация его структуры и лингвокультурологические особенности их исторического формирования.

**Annotation**

In the article the terminology of the national Uzbek dance, the systematization of its structure and linguocultural features of its historical formation are investigated.

**Таянч сўз ва иборалар:** замонавий терминология, миллий рақс, терминологик майдон, рақс мактаблари, билингвизм.

**Ключевые слова и выражения:** терминология, танец, национальный, терминологическое поле, школы танца, билингвизм

**Key words and expressions:** terminology, dance, national, terminological field, dance schools, bilingualism

XX асрдаги “портлаш эффекти” ўлароқ илм-фан ва техника тараққиёти, ижтимоий–иқтисодий ўзгаришларнинг жадал ривожланиши натижасида янгидан янги тушунчалар пайдо бўлиб, номинацияга бўлган эҳтиёжни кескин оширди. Буларнинг барчаси янгича атамалар, муайян соҳаларга оид терминлар микромайдонларининг оммавий равишда пайдо бўлишига олиб келди ва мавжуд терминологик тизимларга жиддий ўзгаришлар киритди. Шу тариқа, махсус луғатлар ҳажмининг жадал ўсиши тенденцияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

“Термин” юнунча “terminos” сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Терминлар йиғиндиси ҳамда ана шу терминларни ўрганувчи соҳа эса “терминология” дейилади.

Термин бир маънолилиги, маъносининг аниқлиги, экспрессив бўёқдорликдан ҳолилиги, бирор соҳага йўналтирилганлиги билан одатий сўзлардан фарқланади, қўшимча маъноларга эга бўлмайди, асосан, муайян соҳа вакиллари нутқида

қўлланилади. Ифодаланаётган тушунчанинг табиати ва моҳиятидан келиб чиқиб, терминлар олдида маълум меъёр ва талаблар қўйилиши, шубҳасиз.

Рақс санъати халқларнинг миллий турмуш тарзи, муайян маданий характери, урф – одатлари ва қадриятларини ўзида яққол акс эттирувчи санъат турларидан биридир. “Халқ рақслари ўз халқи тилида гапиради. Масалан, рус рақси русча терминологиясига эга, испан рақси испанча ва ҳоказо”. Ҳаракатларнинг муайян халқ характерини акс эттирувчи нуқталарни грузин, озарбайжон, украин, испан, япон, корейс рақслари каби оригинал жиҳатларга эга бўлган турларида кузатишимиз мумкин. Рақсларга танланадиган либослар ҳам уларга миллийлик тусини беришда катта роль ўйнайди. Зеро, рақс тушунчаси умуминсоний ҳодиса сифатида барча халқларда мавжуд бўлса-да, аммо турли маданият вакиллари томонидан воқеликни идрок этишнинг ўзига хос хусусияти туфайли у ҳар хил кўринишда намоён бўлади.

Миллий-маданий хусусиятларнинг лингвистик бирликларнинг лингвокультурологик ва когнитив жиҳатлари нуқтаи назаридан ўрганиш муаммоси жуда долзарбдир. Рақс терминологияси бирликларининг семантикаси ва тузилишларини ҳар томонлама қиёсий ўрганиш замонавий фанда ҳам аҳамиятга эга, чунки рақс терминологияси, тузилиш тизими, шаклланиш тарихи, лексик ва семантик алоқалари нуқтаи назаридан илмий қизиқиш уйғотади. Рақс терминологиясини ўрганишнинг назарий асослари замирида ўзбек тилида мавжуд атамаларни ўрганиш ва тавсифлаш, таснифлаш муаммоси замонавий тилшуносликнинг муҳим масалаларидан биридир.

Хореографик йўналишлар ва рақсларнинг номлари, ҳаракатларнинг ижро техникасига оид тушунчалар, ҳар бир ҳолатни англатадиган номинатив бирликлар ва бошқа рақсга оид характерли хусусиятларнинг муайян номлар билан аталиши рақс терминологиясининг шаклланаётганидан далолат беради. Рақс санъатига оид атамаларнинг пайдо бўлиши ва актуаллашиш жараёнлари, бу номларнинг адабий тил қатламлари билан лексик-семантик муносабатларини ўрганиш, ўзбек хореографияси атамалари луғатини шакллантириш тилшунослигимиз олдида турган навбатдаги долзарб вазифалардан биридир.

“Халқимизнинг маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва жаҳон рақс санъатининг намуналаридан кенг баҳраманд этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда”, - дейилади жорий йилнинг 4 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги қарорида.

Ушбу қарор шуниси билан аҳамиятлики, “Рақс санъати соҳасида “устоз-шоғирд” аъёнларига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий салоҳиятдан

самарали фойдаланган ҳолда илм-фанни жадал ривожлантириш мақсадида” амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Рақс санъатини муайян бир миллатнинг этник-маданий хусусиятларини ўзида акс эттирувчи пластик ҳаракатлар мажмуи дейиш мумкин. Шу кунгача ўзбек рақс санъатини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари қисман ёритилган бўлса-да, бугунги замон талаблари даражасидаги илмий-танқидий тадқиқи олиб борилмаганлиги, соҳага оид мавжуд атамалар ва лексемаларнинг тизимлаштирилмаганлиги мутахассислар олдида қатор муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

**Рақс** [арабча – ўйин, ўйинга тушиш ва унга мослаб ёзилган мусиқа]. Раққос(а)нинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги, юз имо-ишоралари ва бошқалар орқали образ яратишдан иборат санъат тури.

**Рақс** 1. Тананинг пластик ва ритмик ҳаракатлари санъати. Рақс назарияси. Рақс маҳорати. 2. Мусиқа оҳангига ва ритмига мос равишда бажариладиган ҳаракатлар занжири, шунингдек, бундай ҳаракатлар ритми ва услубидаги мусиқий асар. Вальс, классик (мумтоз) рақслар. Бал рақслари. Муз устидаги рақс. Рақс мактаби.

Бу икки таърифда ҳам рақс характери тўғри тавсифланган бўлиб, улар мантиқан бир-бирини тўлдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги таърифда рақснинг санъат сифатидаги жиҳати устун бўлса, С.Ожегов луғатида унинг маданий соҳа узви сифатидаги умумий ва хусусий қирралари акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида “Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий мактабларга хос аъёнларни, моҳир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш; миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари “олтин фонди” ни яратиш; халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат

туйғусини, юксак бадий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш” алоҳида таъкидланган. Рақсларнинг пайдо бўлиши инсон тафаккурининг меваси сифатида унинг дунёни англаши ва теварак-атрофидаги миллий-маданий муҳит таъсиридаги ҳис-туйғуларини ўз ҳаракатлари орқали ифодалаш эҳтиёжи натижасида юзага келган. Гавда, қўл, оёқ ҳаракатлари билан бирга юз ифодалари, имо-ишоралар уйғунлиги ҳам рақс таъсирчанлигини ошира борган. Даврлар ўтиши ва рақс техникаси шакллана боргани сари бу узвларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлди ва уларга муайян вазифалар юклана бошлади. Шу тариқа, рақс технологияси, ўзига хос жиҳатлари, миллий менталитетга хос элементлари, ўзаро уйғунлик ҳосил қилувчи компонентлар жамланмаси эволюцион тарзда рақс санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Кейинги юз йилликлар даврида эса инсоният жамиятининг шиддат билан тараққий этиши санъатнинг бу турига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади, албатта.

Жаҳон санъатшунослигида рақс санъатининг келиб чиқиши қадимги даврларга, эҳтимол Неолит даври (милоддан аввалги 8-5 минг йиллик) га бориб тақалишига қояларга ўйиб ишланган рақс тушаётган одамлар тасвири туширилган расмлар гувоҳлик беради. Мазкур мақолада дунё рақс санъати тарихи юзасидан анчагина қизиқарли маълумотлар келтирилган. [Бу ҳақда қаранг: Карпенко В.Н., Карпенко И.А. История возникновения танцевальной терминологии// Научные ведомости]

Мутахассисларнинг фикрича, ўзбек рақслари тарихи ҳам асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан авлодга ўтиб, бизгача етиб келган. Россиялик қадимшунос олима М.Г.Воробьева “Хорезмские терракоты” мақоласида эрамиздан аввалги 4 – аср ва милодий 4 – асргача бўлган оралиқда Хоразмдаги қадимий қалъалардан топилган сопол ҳайкалчалар ҳақида ёзади. Ҳозирги Хазорасп тумани ҳудудидан топилган осори-атиқалар орасида “Шарф ўраган маъбуда” ҳайкалчаси бор эди. Олимларнинг фикрича, бу терракот Хоразм тарихининг антик даврига мансуб, худди Тупроққалъа деворларидан топилган суратларга ўхшаб, бундаги кўп расмлар ҳам ромб шаклида. Шунинг баробарида проф.

Воробьева улар Амударё конидан топилган аёллар образига ҳам ўхшаб кетишини таъкидлайди ва “Шарф ўраган маъбуда” образини “Авесто” даги сув худоси Анахита билан таққослайди.

Демак, кўриниб турибдики, ўзбек миллий рақс санъатининг таркибий қисми бўлган Хоразм рақсларининг тарихий илдизлари ибтидоий даврдаги маросим ва тақлид рақсларига, Тупроққалъа ва Хзораспдан топилган ноёб буюмларга ҳамда “Авесто” га бориб туташяпти. “Афсоналарга кўра, “Лазги” инсон яралишига тақлид сифатида, дастлабки ибтидоий тасаввурлар, табиат ҳодисалари, географик жойлашуви, иқлими, об-ҳаво шароити туфайли пайдо бўлган. Масалан, афсоналарда олдин бармоқлар титрайди, панжалар, билаклар, елкалар титрайди, аъзойи баданга жон кириб, инсон яралади”. Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг улкан ва тақдорланмас маънавий бойликларга эга эканлиги, улар дунё ҳамжамияти олдида ўзбек номини улуглаётгани бизнинг фахримиз. Миллий рақсларимиз миллий маънавият, миллат онги, руҳий олами ва дунёқарашининг маҳсули сифатида вужудга келди ва асрлар синовига бардош бериб, миллий қадриятлар асосида такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Уни асрашнинг энг муҳим имкониятларидан бири, албатта, маданий меросни ўрганиш, ўзлаштириш ва унга эътиборни кучайтиришдир.

Шунингдек, миллий маънавиятни қадрлашнинг муҳим омили сифатида аждодлардан қолган тарихий меросни оммалаштириш, уни ёшлар онги ва дунёқарашларининг таркибий қисмига айлантириш зарур. Миллий рақс санъати ҳам миллат маънавиятининг битмас – туганмас манбаи ҳисобланади. Халқ, миллат ўз тарихий хотирасини тиклагани, меросини ўзлаштиргани сари руҳан бақувват бўлади, ундан илҳом олади, маънан бойийди.

“Ўзбек рақс санъати тарихига назар солсак, унинг асосларини оддий, меҳнаткаш халқимиз яратганига гувоҳ бўламиз. Илк рақслар халқнинг меҳнат жараёни, ғам-қайғуларидан шаклланган, орзу-умидларини ифода этган. Тарихдан бизгача “Катта ўйин” номи билан маълум доира усулларига мос ҳаракатлар асосига қурилган рақс санъати, “Хона базм ўйин” номи билан маиший рақслар, Хоразмда олов билан рақсга

тушиладиган “Оташ ўйин”, Бухорода тиззада ўтирган ҳолда ўрнидан турмасдан ўйналадиган аёллар рақслари, Самарқанд вилоятининг тоғли туманларида эркакларнинг қарсак билан ижро этиладиган “Бешқарсак” рақслари етиб келган”.

Замонавий ўзбек рақс санъатини тадқиқ қилиш, унинг ёзма илмий манбаларини яратиш борасида Ўзбекистон халқ артисти, рақсшунос олима Розия Каримованинг хизматлари беқиёсдир. “Рақс ёзувини яратиш учун муайян бир система яратиш керак эди. Чунки ўзбек рақсларида оёқ ва қўл ҳаракатлари, гавда ҳолатлари кўп, ранг-баранг. Р.Каримова балетдаги ўринларга таянган ҳолда энг муҳим бош ҳолатлари, гавда ҳолатлари, қўл ҳолатлари, қўлдаста ҳолатлари, оёқ ҳолатларини белгилайди, еттитадан ошмайдиган умумий ҳолатларни танлайди. Мана шу асосий ҳаракатларнинг муҳимлиги ва тўғрилигини Тошкент хореография билим юртида олиб борган амалий машғулотларида синаб кўради ҳамда мутахассислар эътиборидан ўтказди. Шу асосда рақс ҳаракатлари ва рақс асарларини ёзиб олишга киришади. Бирин-кетин халқ рақси услубларига бағишланган “Фарғона рақси” (1973 й.), “Хоразм рақси” (1975 й.), “Бухоро рақси” (1977 й.) номли асосий ҳаракатлар жамулжам қилинган қўлланмалар майдонга келади”.

“Гавда элаш”, “Силдирма”, “Уялиш”, “Нозик қўллар”, “Ойнага қараш”, “Қўлибанд”, “Қоши камон”, “Ҳаяжон” каби рақс ҳаракати номлари умумтил лексикасига оид сўзлар асосида шаклланган бўлса, айрим ҳудудий рақс мактабларида шаклланган баъзи атамаларнинг ўзига хос хусусиятлари яшаш жойи, иқлими, шарт-шароити, ижтимоий-маданий шарт-шароити, яъни социолингвистик ва лингвокультурологик жиҳатлари билан ҳам бевосита боғлиқлигини кузатиш мумкин. Масалан, Хоразм вилояти воҳада жойлашган бўлиб, ерлик аҳоли балиқчилик билан шуғулланган ёки чағалоқ сув қўшларининг ҳаракатидан хабардор бўлганки, бу тушунчалар рақс ҳаракатларида ҳам акс эттирилган ҳамда шунга мувофиқ равишда атамалар ҳам пайдо бўлган.

#### “Тўр тортиш” ҳаракати

Бир жойда туриб ижро этилади, оёқлар олтинчи ҳолатда, чап оёқ учида, орқада. Қўллар олтинчи ҳолатдан пастроқ, кафтлар бир-бирига рўпара, чап қўл тирсаги

букилганроқ. Бош ва гавда сувдаги тўрға қараган тасвирида.

1-2-га ўнг қўлдастаси ярим муштлиниб, кескин орқага ўтказди ва мушти очилади. Бир вақтда чап қўлдаста ўзига тортади. Ўнг тизза бирга букилади ва тезда тўғриланади. 3-4-га чап қўлдан такрорланиб, тиззалар букилади ва тўғриланади.

**“Чағалоқ қўшнинг балиқ тутиши” ҳаракати. (Бу ўринда “Чағалоқ” Чағалайнинг ўзгартирилган шакли).**

Бир жойда ижро этилади. Оёқлар биринчи ҳолатда, лекин кенг очилган, қўллар юқорига қаратилган, бош ва гавда олдинга эгилган. Ерда рўмолча йиғиштирилиб, сувда балиқ тасвирида бўлиши керак.

Қўллар биринчи ҳолатда, орқага ва юқорига кўтарилган, қўллар қўш қанотини тасвирлаши керак. Бош ва гавда секин-секин пастга эгилади. Тактнинг охирида рўмолчани оғзи билан олиб, тезда, бир вақтнинг ўзида қўллар тиниб қолиш вазиятида бўлади. Қанотлар қоқилиб, бош ва гавда секин тиклана бошлади. Такт охирида қўллар биринчи ҳолатда тиниб қолиш.

“Рақс санъати инсоннинг ички дунёси, самимий ва бой ҳис-туйғулари, ҳаракатлар ва имо-ишораларнинг гўзаллиги, услуб ва характернинг яхлитлигини ифода этишнинг мукамал шаклини яратишга қодир. Вақт ўтиши билан рақсдаги ифодавий тасвирлар ўзгаради, анъанавий рақс шакллари ўзгариб, уларнинг дастлабки мазмуни йўқола боради. Бундай ҳолда, замонавий халқ рақслари хореографлари, кўпинча, қийинчиликларга дуч келдилар. Шу сабабли халқ рақс соҳасидаги тадқиқотлар ва уларнинг натижаларидан хореографларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш зарурати пайдо бўлди”.

Масалан, Хоразм рақсларига хос “Лачак ҳаракати” атамасини олайлик.

**Лачак** (шева). Хотинлар (кўпинча кекса аёллар) бошга ўрайдиган оқ доқа ёки сурп, дакана. *Мақбаранинг панасида бошига оқ лачак ёпинган аёл киши кўринди-ю, ғойиб бўлди.* С.Анорбоев, *Гўзаллик излаб. Бошларига катта-катта лачак ўраган келинчақлар сирға, мунчоқлар билан безанганлар.* Ойбек, Болалик.

**Лачак ҳаракати.** Қўллар пастдан тепага, яъни бошга кўтарилади, кафтлар бир-бирига қараган ҳолда бармоқлар майда-майда ҳаракатлар қилади. Раққоса гўёки

бошидаги янги лачакни кўз-кўз қилгандай, бошини сарак-сарак қилади. Қўллари билан бармоқларини майда-майда титраган ҳолда кўрсатади. Йигитлар худди шундай ҳаракатлар билан **чўгирмани** таърифлайдилар. Демак, бугунги шогирд (талаба) лачак атамаси қандай рақс ҳаракатини ифодалашини англаб етиши учун шевага хос бўлган “лачак” ва “чўгирма” сўзларининг луғавий маъноси билан таниш бўлиши, у ҳақда тасаввурга эга бўлиши керак. Мана шу каби ҳолатлар эса рақс терминологияси луғатига эҳтиёж мавжуд эканлигининг амалий исботидир.

Бухоро рақсларига оид атамаларда маҳаллий ижтимоий-маданий муҳит, ўзбек-тожик билингвизми таъсирида тожик тили лексемасига оид “Чархи миён” айланиш, “Ларзон йўрға”, “Қомати зебо”, “Зеби гардон” ҳаракати, “Чархи дузоне” айланиш каби тил

бирликларининг атама сифатида нисбатан кўпроқ шакллангани кузатилади.

“Бухоро рақсининг ўзига хослигини белгилайдиган алоҳида элементлар қаторида “саризону бози” (бирдан тиззалаб чўкка тушиш), “кажрафтор” (танани айлана шаклида айлантириш), “кафт ларзон” (ўтирган ва тик турган ҳолда оёқ бармоқлари билан танани силкитиш), “чархи миён” (ҳар хил айланиш турлари), “чархи дузоне” (тиззалаб айланиш) Ўзбекистоннинг бошқа худудий рақс мактабларида учрамайди”.

Шу тариқа, ўзбек рақс терминологияси ҳам ўз атамаларининг туб илдизларини, асосан, ўзбек тилининг бой лексик манбаларидан, қолаверса, маҳаллий турмуш тарзи, иқлими, касб-кори, ўзига хос ижтимоий-маданий муҳитда шаклланган тафаккури манбаларидан излайди.

#### Адабиётлар:

1. ЎзР Президентининг “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. ЎЗА, 2020 й., 4 февраль
2. ЎзР Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, ЎЗА, 2020, 4 февраль
3. Авдеева Л.А. Ўзбекистон рақс санъати. Учебное пособие. 1960 -С.94
4. Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты Культура и искусство древнего Хорезма. Издательство “Наука” Москва. 1981-С.193.
5. Карапетьян А.Э. Терминосистема танца в английском и русском языках: лексико-семантический и лингвокультурный аспекты. Краснодар, 2008 г. С.56
6. Каримова Р. Бухарский танец. Т., Изд.им. Г.Гуляма, 1977 г. С.132.
7. Каримова Р. Ўзбек рақслари. Ўқув қўлланма.. -Т., Чўлпон, 2003.Б.168
8. Карпенко В.Н., Карпенко И.А. История возникновения танцевальной терминологии// Научные ведомости // Серия Гуманитарные науки. 2016. № 28(249). Выпуск 32.С.42
9. Матёқубова Г.Эшжонова Ш. Лазги. Урганч, 2017.Б.28.
10. Қодиров Ф. Ўзбек рақслари. Т., “Тошкент” дав. нашриёти, 1964 Б. 17 (Ўзбек ва рус тилларида)
11. Наримова Р. Ферганский танец. Методическое пособие. Т., Изд.им. Г.Гуляма, 1973 г. С.238
12. Насибулина Л.И. Локальные школы национального танца Узбекистана // «Молодой учёный» .№ 23 (313). Июнь 2020 г. С. 687.
13. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка 4-е изд., доп. -М.: А ТЕМП, 2006 С.1980
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, Т., ЎзМЭ, 2006 й. Б.572.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд, Т., ЎзМЭ, 2007 й. Б.361.
16. <https://uza.uz/oz/society/>